

Уйлари
бузилган
одамларга ер
ажратилди



4-бет

facebook

даги
муружаатдан
сўнг



5-бет

Сирдарёда
“Бир
миллион
дарахт”
акцияси!



5-бет

Оғуфурушлик
оғир иснод
ёхуд кекса
одамнинг
қилмиши



7-бет

ИНСОН ҚОНУН

5 ноябрь 2019 йил / № 44 (1196)

www.insonvaqonun.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ТИЛ —
МИЛЛАТ
ДАРАХТИНИНГ
ИЛДИЗИ



6-бет

Танловда ҳамма ғолиб — БАРЧА БИРИНЧИ ЎРИНДА БЎЛДИ

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда Ёшлар ижод саройи биносига 7 ёшдан 17 ёшгача ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшлар ўртасида расм чизиш бўйича “Мафтункор ранглар жилоси” республика кўрик танлови ташкил қилинди.

Ушбу ҳудудларда ўтказилган танловларда ғолиб деб топилган ногиронлиги бўлган болаларнинг расмолари маҳорати яна бир бор синовдан ўтказилди.

Танлов доирасида ногиронлиги бўлган болалар томонидан яратилган санъат асарларининг кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Ушбу танловнинг бошқаларидан фарқи бўлди танловда ҳеч ким иккинчи ва учинчи ўринни эгалламади. Аксинча, танловда иштирок этган болалар уларнинг имкониятлари чекланганлигига қарамасдан ҳаётга бўлган қизиқишлари юқори даражада эканлиги ва бу борада бошқаларга ўрناк бўлганликлари сабабли уларнинг барчаси 1-даражали диплом билан тақдирландилар.



Тадбир тафсилотлари билан 4 саҳифада танишасиз

Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Сезмаяпсизми, бизга қандай
ДАҲШАТ
ЁПИРИЛМОҚДА?!



2-бет

Адлия вазирлигида танлов ғолибига Spark!

БУНАҚАСИ ХАЛИ БЎЛМАГАН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1-ЎРИН
SPARK
АВТОМАШИНАСИ

2-ЎРИН
МАЛАЙЗИЯГА
2 КИШИЛИК
ЙўЛЛАНАМА

3-ЎРИН
IPHONE
11 PRO

ШАРТЛАР

1. Хуқуқий ахборот каналига дўстларингизни қўшинг
2. Канададаги берилган ахборотлардан тузилган 30 ТА саволга жавоб беринг
3. Финалда иштирок этиб SPARK ютиб олинг

БИЛИМНОНЛАРГА ТАНЛОВИ

ХУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ

Адлия вазирлиги аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида “Хуқуқ билимдонлари” танловини ўтказди.

Танлов жорий йилнинг 1 ноябидан бошланиб, 3 босқичда бўлиб ўтади. Ғолиблар Янги йил байрами арафасида эълон қилинади.

Ғолибларга қуйидаги совғалар билан тақдирланади:

- 1-ўрин — “SPARK” автомашинаси;
 - 2-ўрин — Малайзияга 2 кишилик йўлланма;
 - 3-ўрин — iPhone 11 PRO.
- Бундан ташқари, биринчи босқич ғолибига алоҳида қимматбаҳо совға ҳам берилади.

Шартлар оддий:

- 1. @huquqiyaxborot каналига белгиланган тартибда дўстларингизни қўшинг.
- 2. Тест саволларига жавоб беринг.
- 3. Финалда иштирок этиб “SPARK” автомашинасини қўлга киритинг.

Эслатма: олий юридик маълумотлилар, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари ходимлари ҳамда уларнинг яқин қариндошлари танловда иштирок этиши тақиқланади.

P.S. Совғалар учун харажатлар ҳамкорлар томонидан қопланади.

Хуқуқни билиш фойдали, билимингиз билан “SPARK” ютинг



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
стратегик йўналишларини
белгилаб олди

НОРМАТИВ-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)да Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адлия органлари ва муассасаларини 2030 йилгача ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

3-бет

Гулсум ШОДИЕВА,

“Инсон ва қонун” мухбири

БУГУН оммавий ахборот воситалари маълумот тарқатишда чек-чегарасиз маконга эга. Хусусан, XXI асрнинг илгир технологиялари ҳозиргина интернетга жойлаштирилган хабарни ярим дақиқа ўтмай дунёнинг нариги чеккаси — Америка ёки Африкадагиларга ўқиш ва кўриш имконини беради. Албатта, кашфиёт эгалари бу билан ҳар қанча гурурланса арзийди. Лекин бу юксалиш баробарида кишини ўйлан-тираётган яна бир масала ҳам бор. Бу виртуал олам етказган маҳсулот инсониятга қандай маънавий озуқа беради? Мулоҳаза қилишга ундаётган асл муаммо ана шунда!

Тан олиш керак, бугун интернет оламига муккасидан кетган одамларнинг аксарияти шов-шувларга сабаб бўлаётган маълумотлардан баҳраманд бўлишмоқда. Аниқроғи, сайтлардаги исботланган-исботланмаган хабарлар мундарижаси улар нигоҳини ўзига жалб қилиб олган. Жумладан, кўплаб сайтлар бирорнинг фожиали ўлими, кимдир бошқасини тунагани, яна кимнингдир ёнгин ёки автохалокат туфайли ҳаётдан кўз юмгани, қайсидир киши қатта талон-торожликка қўл уриб бойигани ва яна қайсиларидир ваҳшийлик, зўравонлик, беҳаёликни “дос-тон” қилиш орқали машҳур.

Чунки улардаги бир-биридан кўрқинчли, ваҳимали сарлавҳалар, масалан, “Болта билан 15 марта чопилган қиз”, “Ўз эри ва укасини жазмига ўлдиртирган қотил”, “Хотин эрини нимага чопиб ташлади?”, “Кўшисини тириклай ёқиб юборган инсон”, “Ота ўз фарзандини чопиб ташлади”, “Падаркуш ўғил”, “Боласини сотган она”, “Номуусиз қиз” ва ҳоказолар ҳар қандай киши диққат-эътиборини тортиши табиий. Айниқса, бу каби сарлавҳалар шусиз ҳам бутун вужуди ила интернет олами билан “дўстлашиб” бораётган одамларни янада “михланиб” қолишида кучли восита бўлмоқда. Ачинарлиси, аксарият инсонларда бу каби мавзулар билан танишиш иштиёқи ортиб бормоқда.

УЙДАГИ ГАП КЎЧАГА ЧИҚСА...

Шу ўринда савол туғилади. Бу мавзуларнинг одамлар учун қандай тарбиявий аҳамияти бор?

Ҳаётимизда онда-сонда учраб турадиган воқеалиқларни, хонадон хулқи билан боғлиқ масалаларни, гап-гаштакларни ошириб-тошириб кўрсатишдан қанчалик манфаат кўришимиз мумкин? Қисмати оғир бир-икки инсоннинг ҳаётида ўз ўрнини топа олмаганини бутун бир миллатнинг фожиаси, деб жар солиш билан нимага эришамиз? Бу оғрикли муаммоларни уйимиз, оиламиз, маҳалламиз, яқинларимиз ёки тегишли муассасалар кўмагида ҳал қилсақ бўлмайди-

ми? Уни кўчага, бутун оламга олиб чиқиб ёйган билан масала ечим топадими? Ёинки, ўша фожианинг олди олинадими? Ақсинча, уйимиздаги гап кўчага чиқиб, ўзимизгагина тегишли бўлган кўнглир сиримиз, оиламиз, яқинларимизнинг яхши-ёмон кечмишларини дастурхон қилиб ёйганимиз одатларимизга қанчалик тўғри келади. Албатта, тушуниб-тушунмай тарқатган шов-шувлардан сўнг эл-юрт олдида бошимиз эгилиб, руҳий ва маънавий ботинимизга зарар етказишимиз мумкин. Бу борада қадриятларимизда, қадимий ҳикमतлар дарж этилган бисотимизда донишманд аждодларимизнинг талайгина ўғитлари лутф этилган. “Уят ўлимдан қаттиқ”, “Бор борини ейди — уятсиз орини”, “Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит”, “Мол сақлама, ор сақла”, дея қилган панд-насихатлари шулар жумласидандир.

Маълумотларда кўра, бузуқлик ва беҳаёликни тарғиб этувчи сурат ва видео роликларни ҳар кун 100 миллионга яқин одам томоша қилади ва улардан 28 фоизини 12 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Бундан ташқари, дунёда ҳар бешинчи эр-хотин ижтимоий тармоқларда ўзи билмаган ҳолда бир-бирлари билан “дўстлашмоқда”. Соҳа мутахассисларининг фикрича эса ҳар учинчи ажрим ижтимоий тармоқларнинг таъсирида юзага келяпти.

ОРСИЗЛИКДАН КЎРҚАМАН!

Агар эсингизда бўлса, машҳур адиб Фафур Ғуллом асари асосида яратилган “Шум бола” фильмида шундай лавҳа бор. Фильм қахрамони Қоровой бойотадан иш ҳақи эвазига олган бир қоп олмани бозорга сотгани борганида дўсти Омон билан учрашиб қолади. Икки дўст савдодан тушган ақчадан хурсанд бўлиб қоринини тўйгазади. Сўнгра хориждан келган цирк жарчисининг овозини эшитиб, оломон тўпланган ўйин жойига қизиқиб бори-

шади. Гавжум бозорда жарчи шов-шув кўтариб цирк ўйинчисини таништира бошлади.

— Бу киши Шарлотта хоним. Унинг итлари Петербургдаги олий мадрасада ўқиган. Хитой тилида 50 гача санайди. Ов-рўпанинг 8 тилида гаплаша олади. Бу Эмилия хоним. Бутун фаранг, герман давлатига боради. У кишининг антиқа ўйинларидан айримларини кўриб турибсиз. Чодир айвонга марҳамат, дея жар солишдан тўхтамайди. Чодир саҳнида эса цирк билбосиди аёл худди илон каби эшилиб ўйин кўрсатади.

Шунда Қоровой дўстига қарата “тушамизми”, — дея сўрайди. — Йўқ, — дейди Омон. — Нега, — дея ҳайратланиб сўрайди Қоровой.

— Биринчидан қиммат, иккинчидан Марямхон кеп яланғоч ўйинга тушаркан, мия яланғоч хотиндан кўрқаман, дейди Омон. Дўстлар навбатдаги томошага боришади. У ерда ҳам яна бир томоша кўрсатувчи одамларни ўзига жалб этади. Қоровой ва Омон унинг ёнига бориб, фотосуратлар қутисига бош суқиб ундаги суратларни томоша қила бошлади.

— Ана энди дунёдаги энг антиқа мўъжиза. Унинг кашф-қароматини гермонлар ўйлаб топган, — дейди у. — Бу тўлдирилган пуфак бир варақайига 15 кишини осмону фалакка кўтариб учади. Бу киши Валентина Фёдоровна. Оқпошшо ҳазратларининг энагалари. Яқинда ичбуруғдан қазо қилган. Экранда Сиз гермон подшоши билан...

— Нима, бизни кўр, деяпсизми, гермон подшошига бало борми, яланғоч хотин-ку бу, — дейди Қоровой.

— Туф, — дейди Омон ҳам дўстининг гапини тасдиқлагандек.

Ушбу лавҳани қайта-қайта томоша қилдим. Бу икки ўспирин боланинг ўша пайтда миллатимиз учун ёт бўлган ўзгаларнинг ҳаракатларига муносабати кишини беихтиёр мулоҳаза қилишга ундайди. Ҳўв ўша, ҳали технология ривожланмаган даврда ҳам ўз замониға хос ва мос тарзда ёт гоғлар хуружи бўлган. Лекин ўша давр одам-

МАЪЛУМОТЛАРГА кўра, 2019 йилда 2,77 миллиард киши ижтимоий тармоқлардан фойдаланганлиги аниқланди. Жумладан, “Одноклассники.ру” сайти 14 ёшдан 55 ёшлилар орасида машҳур бўлиб, дунё миқёсида унга аъзо бўлганларнинг сони 135 миллиондан ортиқни ташкил этади. Бир сутка ичида сайтга ташриф буюрувчилар сони эса қарийб 30 миллион кишидан иборат. Дунёдаги яна бир энг машҳур сайтлардан ҳисобланмиш “Facebook”дан 950 миллион киши фойдаланган бўлиб, бир суткалик ташриф буюрувчилар 526 миллион нафарни ташкил этади. “Мой мир — Mail.Ru” портали асосида пайдо бўлган ижтимоий тармоқдан эса 40 миллиондан ортиқ киши фойдаланади.

Сезмаяпсизми, бизга қандай даҳшат ёпирилмоқда?!

Маълумотларга кўра, дунёда юз бераётган турли сиёсий курашлар, қарама-қаршиликлар, давлат тўнтаришлари айнан интернетдан фойдаланувчи ёшлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Зўравонлик, ваҳшийлик, бузғунчилик, терроризмни тарғиб этадиган, маънавий-ахлоқий қадриятларга зид ахборотлар, экстремистик гоғлар, компьютер ўйинлари, интернет сайтлари ҳали дунёқараш шаклланиб улгурмаган ёшларни зомбига айлантириб, тажовузкор кучлар таъсирига тушиб қолишга сабаб бўлмоқда.

лари бу ёт гоғларга қарши онгли равишда қаршилик кўрсата олишган экан. Бироқ бугунги кун одамларида ҳам шундай онгли тафаккур, уйғоқлик бор, дея оламизми? Фильмдаги Омон каби яланғоч аёлларни томоша қилишдан кўрқадими? Ёки Қоровой сингари яланғоч суратларни кўришдан юз ўгириб кета олишармикин? Истихола билан айта оламизки, бугунги авлод бундайин суратларни кўравери кўзлари пишган, қолаверса, “жонли” видео тасвирлар томошасидан ҳам зеркиб бўлган. Бундай иддао қилишимизга сабаб, яқинда интернет сайтларини кузатиб “Чимилдикдан жонли видео” деган сарлавҳага кўзим тушди. Сарлавҳани ўзиданоқ англашимиз мумкинки, айрим замондошларимиз Қоровой ва Омон сингари ўзлигини ҳимоя қилиш ўрнига, аждодларимиз ази билган муқаддас гўшани ҳам беҳаёларча топшага бориб етган. Ишонамизки, миллий одоб-ахлоқ руҳида тарбия топган онги соғлом инсон борки, одамзодга пинҳонликда буюрилган ҳаракатларни бунчалар тубан кетиб намойиш этмайди. Бироқ...

ҚУЛОЧ ЁЗАЁТГАН “ТАРАҚИЁТ”

Албатта, интернет оламида сониялар ўтиб улгурмай тарқалаётган зўравонлик, шафқатсизлик, ҳаёсизлик каби намойишларни ким инкор қила олади. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг қал-

би ва онгини эгаллашга қаратилган хавф-хатарлардан кўз юмиб бўладими?

Шу ўринда айтиш лозимки, дунё миқёсида глобаллашувнинг кенг қулоч ёйиши билан, гўё барча миллат ва эллар маданиятининг қоршамаси бўлиши ва барча томонидан бирдек қабул қилиниши лозим бўлган “оммавий маданият” қисқа вақт ичида кишилик жамиятини ичидан емиришга қодир кучга айланиб улгурди. У асрлар оша етиб келаётган миллий ва умумбашарий қадриятларни менсимаслик, ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига беписандлик, ўзлигидан мутлақо бегоналашиб кетишга олиб келадиган ёт гоғлар кўринишида намён бўлмоқда. Бу эса, кишини ўзлигидан, миллийлигидан маҳрум қилади, унинг мафкуравий имунитетини парчалаб ташлайди. Инсониятнинг энг беҳаё бойлиги бўлмиш ахлоқий фазилатлар, бир сўз билан айтганда, юксак ахлоқий мезонлар асосида яшаш шахс эркинлиги гоғси оқибатида нураб боради.

Бироқ ҳар бир ҳаракатимизда шарм-ҳаё, андиша, орият каби ахлоқий кўринишлар, аввало, оилада шаклланади, маънавий қиёфасини топади. Ўзлигини, миллий қадриятларини қадрлаган, аждодлари қолдирган ноёб меросларни эъзозлаган, онгу шуррига инсоний тамойиллар сингдирилган халқнинг маънавий оламини эса ҳеч бир бузғунчи тўфонлар ёриб ўтолмайди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

стратегик йўналишларини белгилаб олди

АДЛИЯ вазири Р.Давлетов раҳбарлигида ташкил этилган Республика ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида “International House-Tashkent” ҳамда Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг академик лицейларида тадбиркорлик субъектлари билан сайёр учрашувлар ўтказилди.

Ушбу тадбирлар Давлатимиз раҳбарининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда.

Пойтахтимида бўлиб ўтган сайёр қабулда 200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ва чет эл инвесторлари иштирок этди. Улардан 50 га яқин мурожаатлар келиб тушди.

Мазкур учрашувни ўтказишдан асосий мақсад тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларга ҳуқуқий амалий ёрдам бериш ҳисобланади.

Хусусан, ўтказилган учрашувда мурожаатчилар томонидан ер участкаси ва кредит ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, бўзилган иморатларга нисбатан компенсация тўловларини ундириш, божжона ва солиқ тўловлари ҳамда бошқа бир қатор масалалар кўтарилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва тижорат банкларининг фаолиятига бевоқиф тааллуқли бўлган айрим муаммоларни жойида ҳал этилди.

Масалан, “Exim Serlen Hoque Corporation” масъулияти чекланган жамиятининг ТИФ “Миллий Банк” Мирзо Улугбек филиали томонидан 600 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағи ажратилмаётганлиги ҳамда “Technology Hadjar Export” масъулияти чекланган жамиятининг 30 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаатлари Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан қисқа муддатда ҳал этилиши белгиланди.

Шунингдек, “Super Ardua” масъулияти чекланган жамиятига ажратилган ер майдонида қурилишларни амалга ошириш борасидаги муаммолари юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Шу билан бирга, Республика ишчи гуруҳининг жойларда ўтказилган учрашувлари давомида тадбиркорлик субъектлари ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олди.

Маълумот учун: Адлия вазири Р.Давлетов раҳбарлигида ташкил этилган Республика ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг июнь ойидан буён 9 та ҳудудда ўтказилган сайёр қабуллар давомида 6 000 га яқин тадбиркорлардан 1 155 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 93,5 фоизи ҳал этилди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур учрашувлар республиканинг барча ҳудудларида ўтказилиши режалаштирилган.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Ишлаб чиқилган лойиҳа узоқ истиқболга мўлжалланган илк стратегик ҳужжат ҳисобланади. Ишга бундай ёндашув, аввало, тизимли ва барқарор бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти учун жуда муҳим.

СТРАТЕГИЯ, ИНТИЗОМ ВА ТАШАББУС

Биринчидан, лойиҳа билан қуйидаги муҳим дастурий ҳужжатларни тасдиқлаш кўзда тутилган:

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси;

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари тизимини ривожлантириш стратегиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий аппарати ходимларининг иш самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш Методикаси.

Шу тариқа адлия органлари ва муассасаларини ривожлантиришнинг ягона стратегик режалаштириш тизими ташкил этилмоқда. Иккинчидан, стратегия, интизом ва ташаббус, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг жорий фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш бўйича барча жараёнларни максимал даражада автоматлаштириш жорий этилаётган тизимнинг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, автоматлаштириш Адлия вазирлиги фаолиятининг очкичилигини таъминлашни назарда тутди.

КРИ ВА НАТИЖАГА ЙўНАЛГАНЛИК

Адлия вазирлиги Марказий аппарати ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолашнинг янги тизими синов тариқасида дастлаб Марказий аппарат фаолиятида қўлланилади, кейинчалик эса у бошқарма-босқич адлия органлари ва муассасалари фаолиятига жорий қилиниши режалаштирилмоқда.

Режалаштирилган чора-тадбирлар самарадорлиги ва натижадорлигига эришишни баҳолаш учун яқин 5 йилга мўлжалланган 50 дан зиёд аниқ сифат ва миқдор Мақсадли кўрсаткичлари белгилаб берилган.

Стратегияни амалга ошириш механизми унинг асосида ҳар йили келгуси йилда адлия органлари ва муассасаларининг аниқ ҳаракатларини кўзда тутувчи, шакл ва муддат, масъул ижроичилар, режалаштирилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун зарур манбаларни кўрсатган ҳолда тезкор режаларни қабул қилишни тақозо этади.

Иш самарадорлигининг аниқ кўрсаткичлари (Key Performance Indicators, KPI) Ижро интизоми ягона идоралараро электрон тизими (ijro.gov.uz)га интеграция қилинади.

Шу тариқа ҳар бир ҳоҳловчи Интернет тармоғи орқали Адлия вазирлиги фаолиятининг стратегик йўналишлари билан танишиши, улар қандай босқичда эканлини кўриб бориши ва истиқболли вазифалар режалаштирилган ҳамда уларнинг натижаларини кузатиб бориши мумкин.

СТРАТЕГИК ЙўНАЛИШЛАР

Биринчидан, энг муҳим стратегик йўналишлар сифатида олиб борилаётган ягона давлат ҳуқуқ сисемаси ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти сифатини такомиллаштириш белгилаб берилган.

Адлия вазирлиги “ҳуқуқий тартибга солишнинг йўқлиги сифатсиз, ўйланмаган ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишдан яхшироқ”, “жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳар қандай аралашув остида жиддий, асосли ва етарли сабаб бўлиши даркор”, деган янги рамзий шioriни жорий этишни тақдир қилмоқда.

Бунда мазкур вазифани ҳуқуқ ижодкорлигининг ақлли моделини жорий этишни кўзда тутувчи мутлақо янги усуллар ёрдамида амалга ошириш режалаштирилмоқда. Мазкур модел ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳулқ-атвор қоидаларини белгилашдаги ролни оширишни кўзда тутди ва бу, айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳа, тадбиркорлик фаолияти учун долзарб аҳамият касб этади.

Иккинчидан, норма ижодкорлиги ва ишларнинг реал ҳолати ўртасидаги самарали тескари алоқани таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга, айниқса, жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тизимли равишда ўрганилишини таъминлаш ҳисобига эришиш мумкин.

Учинчидан, давлат хизматлари ва интеллектуал мулк ҳам адлия органлари ва муассасаларининг стратегик йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Бу соҳада Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Cooperation and Development, OECD) аъзоси ҳисобланган, дунёнинг қўллаб-қувватланган мамлакатларида муваффақиятли амалга оширилган давлатнинг хизмат кўрсатиш моделига ўтиш устувор жиҳат саналади.

Тўртинчидан, ушбу янгиликлар жамият, айниқса, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданият даражасини изчил оширишга қаратилган. Бугунги кунда Адлия вазирлигида аҳоли, энг аввало, ёшлар ва аёллар ҳуқуқий маданияти даража-



сини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Истиқболда, шунингдек, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айниқса, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва аҳоли билан мулоқот қилишнинг қонуний асослари бўйича манзилли ишларни амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Бешинчидан, давлат хизматларидан ташқари Адлия вазирлиги аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланади. Тан олиш керак, мазкур соҳа иш юктамаси жуда катта ҳисобланади. Нотариус ва адвокатларнинг умумий сони мамлакатимиз аҳолисига нисбати дунё кўрсаткичларига қараганда анча кам. Мисол учун, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо нотариатнинг лотин тилидаги давлатларида битта нотариус лавозимига ўртача 18 948 нафар аҳоли тўғри келади. Умумэътироф этилган стандартлар бўйича бир адвокатга ўртача 1 100 нафар одам тўғри келиши керак. Ўзбекистонда эса мазкур кўрсаткич битта нотариусга қарийб 36 минг нафар ва бир адвокатга 8 мингдан ортиқ аҳоли тўғри келади.

Нотариуслар ва адвокатлар етишмовчилигини, аввало, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва юридик таълим йўналишларини кенгайтириш, жумладан, ўрта-маҳсус таълимни ривожлантириш, юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳисобидан қоплаш режалаштирилмоқда.

Олтинчидан, юридик таълим соҳасида юқсак вазифа — Тошкент давлат юридик университетининг дунёнинг энг яхши 1000 та олий ўқув юрти рейтингига киришини таъминлаш вазифаси қўйилган.

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Адлия органлари ходимлари кунининг белгиланиши тизим ходимлари учун яхши янгилик бўлади. Лойиҳада тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма берилган.

Умуман олганда, Адлия органлари ва муассасалари тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси яқин ўн йилликда қўйилган мақсадларга босқичма-босқич эришишга ўзига хос дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Диляфуз СЎФИЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Сўз танлов иштирокчиларига

Дилшода МАРДОНҚУЛОВА,
Сурхондарё вилояти

— Ёшим ўн иккида. Расм чизишни саккиз ёшимдан бошлаганман. Кўпчилик бундай суратларни чизаётган қизалоқ қайсидир тўғарақда ўргангандир деган фикрга бориши мумкин, лекин мен ҳеч қандай тўғараққа бормаганман. Доим ўзим уйда мустақил равишда суратлар чизаман. Оиламизда ҳам рассомлар бўлмаган. Лекин расм чизишга меҳр уйғотган инсон



— бу менинг дадам бўлади. Чунки илк ишларим ўхшамаган вақтларда, дадам менга далда бўлган, ҳатто суратларимни чизишга ҳам ёрдам берган. Кейинчалик ўз устимда ишлаш натижасида яхши суратлар чиза бошлаганман. Расм чизаётганда ҳақиқий ҳаётда узоқлашиб кетаман, ўзимни эркин ҳис қиламан, ҳаёлимдан кечаётган ўйларни қоғозга туширишга ҳаракат қиламан. Келажақда рассомчилик йўналиши бўйича университетга кириб, филопатимни давом эттирмоқчиман.



Хосият МИРЗАЕВА,
Навоий вилояти

— Навбахордаги оддий қишлоқ мактабда ўқийман. Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган “Биз биргамиз!” ижтимоий лойиҳасида иштирок этганимдан жуда бахтиёрман. Ҳар йили вилоятда ўтказиладиган “Мафтункор ранглар жилоси” расмлар танловида иштирок этиб, олам-олам таассуротлар билан бирга қадрли дўстлар орттирдим. Бу йил

эса республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган танловда иштирок этиш насиб этди.

Бу галги “Мафтункор ранглар жилоси” республика расмлар танловида эркин мавзуда тоғлар, дарахтлар, лолаларнинг, баланд-баланд учаётган қушларнинг суратини чиздим. Кўнглим ҳам ўзим чизган ана шу баланд тоғлардек юксалди, қушлардек парвоз қилгандек бўлдим. Бизга ажратилган совғалардан, меҳр ва эътибордан бошим кўкка етди. Айниқса, расм чизиш учун энг зўр жиҳозларнинг, ранг бўёқларнинг совға қилиниши юрагимни тўлқинлатирди, янги илҳом берди. Бу меҳрибонликдан чексиз миннатдорман, кўнглимни ҳеч кимдан кам эмасман, деган ғурур эгаллаб олди ва буни албатта келгусида чизадиган суратларимда акс эттирмаман.

Дунёдаги энг ёрқин ранглар акс этган суратларни томоша қилар эканмиз, ўзбек дўпписини чиройли қилиб кийиб олган, худди машҳур фильм қаҳрамони Абдуллажонга ўхшаб йиғитча эътиборимизни торди. Уни суҳбатга чорладик. Бу йиғит рус бўлишига қарамай, ўзбек тилида бурро бурро сўзлаётгани ҳайратимизни оширди. У ўз таассуротлари билан бўлишиди.

Петр ГОРЕВ,
Бухоро вилояти

— Мен натюрмортлар чизишни яхши кўраман. Рассомчиликка қизиқаман. Расм чизишдан ҳеч қачон чарчамайман, бу ишим менга қувонч бағишлайди. Танловда иштирок этганим мени руҳлантирди. Танлов шартлари жуда ёқди. Аввалига танловда қандай суратларни чиздиришар экан, деб ўйлаб ҳаяжонлангандим. Аммо танлов шартларига кўра ўзимси истаган суратларни чизишимиз мумкинлигини эшитганимда ҳурсанд бўлдим. Қандай ўрин олишим мўҳим эмас. Мўҳими, мен юртим, вилоятим, оилам шаъни учун ҳаракат қиламан. Танлов баҳона кўп дўстлар орттирдим. Ўз иқтидоримни баҳолаш имконига эга бўлдим. Бугунги тадбир келгусида балки буюк рассом бўлишимда асос бўлиши мумкин.



Шаҳриёр МАҲМУДЖОНОВ,
Андижон вилояти

— Мен танловда табиат манзаралари акс этган суратларим билан қатнашдим. Нега айнан табиат деб ўйлаётгандирсиз? Чунки табиатда жуда гўзал манзаралар бор. Уларни англаш керак, ҳис қилиш керак. Бу гўзалликни сўзда тасвирлаш балки осондир, аммо кўраганини қоғозга тушириш ҳам бир санъат. Мен ўз иқтидоримни ишга солишга, тасаввуримдаги суратни акс эттиришга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, расмларим кўпчиликка манзур бўлади. Мен бунга ишонаман. Ва яна айтаманки, келгусида мен янада бетақдор суратлар чиза оламан.

Танлов якуни эълон қилинганда мен ва мен каби барча иштирокчи дўстларим хурсанд бўлдик. Чунки ҳар биримиз биринчи ўринга лойиқ топилдик. Демак ҳар биримизнинг ишларимиз бетақдор ва юксак ўринга муносиб экан.

Болаларнинг ишончи баланд, олаётган марраси баланд. Келгусида бугунги иштирокчилар ичидан буюк рассомлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Дилфуза Эргашева

“Инсон ва қонун” муҳбири

АДЛИЯ ХАЛҚ ОРАСИДА

БУЗИЛГАН БИНОГА КОМПЕНСАЦИЯ УНДИРИЛДИ

ОЛМАЛИҚ шаҳар адлия бўлимига тадбиркор Ли Вера мурожаат қилди. Маълум бўлишича, “Олмалиқ деҳқон бозори” реконструкция қилиниши натижасида унга тегишли бўлган савдо дўкони бузилган. Ушбу бузилиш натижасида фуқарога бозор ҳудудидан ер майдони ажратиб берилган, бироқ қонун ҳужжатлари билан қафолатланган компенсация пули тўлаб берилмаган.

Мурожаатни ўрганиш давомида аниқланишича, Хукумат Қарори асосида Олмалиқ шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинган бўлиб, бузилиши кўзда тутилган объектлар ўрнига ўриндош тарзда “Ойдин деҳқон бозори” орқа томонидан дўкон мулкдорларига савдо дўкони қурилиши учун ер майдонлари ажратиб берилган.

Бироқ ушбу савдо дўкони бузилишидан олдин мустақил баҳоловчи ташкилот “AMIR AVTO BAHOLASH” МЧЖ томонидан 20.451.363 сўмга баҳоланганлигига қарамастан, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сон қарори талаблари бузилган.

Ушбу масалани қонуний ҳал қилиш мақсадида шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси киритилди ҳамда суднинг ҳал қилув қарорига асосан фуқаро Ли Вера фойдасига савдо дўкони биноси бузилиши муносабати билан жавобгар Олмалиқ шаҳар “Олмалиқ деҳқон бозори” МЧЖ ҳисобидан компенсация учун 20.451.363 сўм ҳамда Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан маънавий зарар учун 500.000 сўм миқдорида пул маблағ ундириб берилди.

Ислом НОЁБОВ,

Олмалиқ шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ОЙЛИК НЕГА КЕЧИКДИ?

ФУҚАРОЛАР С.Аглаев, М.Азизов, М.Аҳмедовлар Шайхонтоҳур туман адлия бўлимига мурожаат қилишди. Маълум бўлишича, уларга иш жойидан 2019 йил апрель, май ойлари учун аванс ва ойлик маошлари ўз вақтида тўланмаган.

Меҳнат кодексининг 161-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жаммо шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи хатбошисига ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланиши белгиланган.

Адлия бўлими томонидан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига ушбу масала юзасидан тақдимнома киритилди. Ҳозирда фуқароларга тўланмаган апрель ва май ойлари учун ойлик маошлари тўлаб берилган.

Фарҳод АКБАРОВ,

Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи

Ўйлари бузилган одамларга ер ажратилди

АНДИЖОН вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаро Р.Курбанбаеванинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Ушбу мурожаатда таъкидланишича, Хонобод шаҳар, “Мустақиллик” маҳалласида жойлашган хонадон марҳум отаси М.Курбанбаевга тегишли бўлиб, унга Хонобод шаҳар давлат нотариал идораси орқали мерос қилиб ўтказиб берилган, бироқ шаҳар ҳокимининг 2013 йил 25 апрелдаги 69-қ-сонли қарори билан ушбу хонадон бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериб юборилганлиги сабабли ҳокимнинг мазкур қарорини бекор қилишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида тўпланган ҳужжатлар асосида аниқланган қонунбузилишлар бартараф этилди. Хонобод шаҳар ҳокими номига 2019 йилнинг 20 май куни тақдимнома киритилиб, шаҳар ҳокимининг 2013 йил 29 апрелдаги 69-қ-сонли қарори бекор қилинди.

Шунингдек, адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Бўз тумани, “Чорвадор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро М.Низомова ва бошқаларнинг яшаб келаётган уй-жойлари туман ҳокимлиги томонидан бузиб юборилганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаатлари Адлия вазири ўринбосари томонидан ўтказилган сайёр қабул жараёнида ўрганиб чиқилди.

Ҳокимлик томонидан бузилаётган уй-жойлар бўйича томонларнинг келишуви бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаганлиги, хусусан, уй-жойларни бузиш юзасидан расмий огоҳлантириш хатлари берилмаганлигининг оқибатида ҳокимлик томонидан амалдаги қонун талаблари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Ушбу аниқланган ҳолатлар юзасидан Бўз туман ҳокимлигига киритилган тақдимнома натижасида фуқаро Г.Абдуллаева, М.Низомова, Т.Жўраев ва Х.Юсупова туман ҳокимининг тегишли қарорлари билан уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиб берилди.

Одилжон АЗИМОВ,

Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Мурожаатларда таъкидланганидек,

БУГУН адлия идораларига одамлар ижтимоий тармоқлар орқали ҳам муурожаат қилаяпти. Мингбулоқ туман адлия бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг 7-8 октябрь кунлари Мингбулоқ туманида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг Facebook ижтимоий тармоғи орқали қилган видеомуурожаатларида кўрсатилган ҳолатлар атрофлича ўрганилди.

Facebook даги муурожаатдан сўнг

Видеомуурожаатдаги бир ҳолатда Мингбулоқ туманида "Обод марказ" дастури доирасида турар ва нотурар бино-иншоотлари бузилишга тушганлиги, бироқ бузилган тураржойлар учун ер участкаси ва компенсация маблағлари ажратиб берилмаётганлиги маълум қилинган. Бўлим томонидан муурожаатни кўриб чиқиш жараёнида аниқланишича, туман ҳокимининг 2019 йил 18 августдаги 4389-сонли қарори билан Жомашуй шаҳарчаси худудида Озодлик ва Э.Урманов кўчаларида жойлашган тураржой ҳамда савдо, маиший ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлиқ ёки қисман бузиб, замонавий лойиҳа-

лар асосида қайта қуриш белгиланган ва унга кўра йигирмадан ортиқ фуқароларнинг турар-жойлари бузилишга тушган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 1 июндаги 4073-сонли қарорига асосан тураржойлари бузилишга тушган 5 нафар фуқарога 0,04 га дан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилган бўлса-да, қолган фуқароларга шу пайтга қадар тенг миқдорда ер участкаси ажратиб берилмаган ҳамда етказилган зарар қиймати мулкдорларга тўлаб берилмаган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжла-


ри учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 8 ва 26-бандларида давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юридик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилиши ёки кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва етказилган зарарлар тўлиқ қопланиши лозимлиги кўрсатилган.

Мингбулоқ туман адлия бўлими туман ҳокимлигига тураржойлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган 14 нафар фуқарога белгиланган тартибда ер майдонлари ажратиб бериш, 15 нафар фуқарога компенсация маблағларини тўлаш кераклиги тўғрисида жорий йилнинг 8 октябрь кунини тақдимнома киритди.

Адлия бўлимининг тақдимномасида кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари ҳокимлик томонидан тўлиқ бартараф этилиб, 14 нафар фуқарога 0,04 гектардан жами 0,56 га ер майдони берилиб, 15 нафар фуқарога баҳолаш ҳисоботида белгиланган жами 1 223 764 680 сўм миқдордаги етказилган зарар қиймати тўланди.

Улуғбек ИСМАТИЛЛАЕВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

ЮРИДИК КОЛЛЕЖЛАР РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНАДИ



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлигининг юридик коллежлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш мақсадида 2019 йилнинг 15 октябрь кунини Вазирлар Маҳкамасининг 873-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан Адлия вазирлигининг юридик коллежларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш параметрлари белгилаб берилди ва юридик коллежларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Ушбу қарорга асосан юридик коллежларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бююртмачи ҳисобланади. Бош лойиҳа ва пудратчи ташкилотлар қонунчиликда ўрнатилган тартибда ўтказилган танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича аниқланади.

Эндиликда, мазкур ҳужжатга мувофиқ, Тошкент давлат юридик университети томонидан юридик коллежлар учун янги авлод дарсликлари нашрга тайёрланади, Адлия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги юридик коллежларнинг кутубхона фондиди замонавий юридик ва бадий, шу жумладан, хорижий адабиётлар билан шакллантирилиши ва тўлдирилиши таъминлайди.

Шунингдек, қарорда адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган юридик коллежларнинг ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун устамалар ва мартаба даражалари учун қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорларда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши жамиятимизда ҳар томонлама билимли, зукко ва профессионал юридик кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Илҳомжон ЮСУПОВ,
Учтепа туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ТУГАТИЛГАН КОЛЛЕЖЛАР ИШЧИЛАРИ КОМПЕНСАЦИЯ ОЛАДИМИ?



ҚИЗИЛТЕПА туманидаги 6 та касб-хунар коллежиди ишловчи 380 нафар ишчи ва хизматчилар билан коллеж маъмурияти ўртасида тузилган меҳнат шартномалари жорий йилнинг июль-август ойларида Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига биноан бекор қилинган.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга Меҳнат кодексининг 110-моддасида белгиланган муддатларда тегишли иш ҳақи берилиши, ходимнинг фойдаланмаган асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланиши, Меҳнат кодексининг 109-моддасига биноан ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ишдан бўшатиш нафақаси берилиши, ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда эса унга моддий ёрдам бериш учун қўшимча кафолатлар бери-

лиши (Меҳнат кодексининг 67-моддаси), ходимнинг меҳнат шартномаси бекор қилиниши билан унга қонунларда ўрнатилгандан юқори пул тўловлари (масалан, ишдан бўшатиш нафақасини ойлик иш ҳақидан ортиқ тўлаш ёки қонунларда кўрсатилмаган пул тўловлари тўғрисидаги талаблари, агар бу тўловлар берилиши жамоа келишуви, жамоа шартномаси ҳамда ходим билан тузилган меҳнат шартномасида кўзда тутилган бўлса) тўланиши лозим. Аммо мазкур муассасалар иш бевуҷчалари томонидан бу талабларнинг бирортаси бажарилмаган.

Шу сабабли Қизилтепа туман адлия бўлими вилоят Молия бошқармаси, вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ҳамда касб-хунар коллежлари директорлари номига тақдимномалар киритиб, қонунга зид қабул қилинган 40 та буйруқни бекор қилди. Ҳужжатлар қайта расмийлаштирилиб, ишчи ва хизматчиларга 449 миллион 831 сўмдан ортиқ бир марталик бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилди.

Айни пайтда судларга коллеж ишчи ва хизматчиларининг манфаатларини кўзлаб, меҳнат муносабатларидан келиб чиққан низолар юзасидан 22 та даъво аризаси киритилди.

Абдували АСАДОВ,
Қизилтепа туман адлия бўлими бошлиғи

БОРЛИҚНИ АСРА, ОДАМ: СИРДАРЁДА "БИР МИЛЛИОН ДАРАХТ" АКЦИЯСИ!



ДАРАХТЛАР тириклик тимсоли. Улар атмосферани тозалайди, мусаффоликни таъминлайди, чанг-тўзондан асрайди, касалликлардан ҳимоя қилади. Дарахтларни кўпайтириш, парваришлашни халқимизда савоб иш дейишади. "Яхшидан боғ қолар", деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган. Сирдарё вилоят адлия бошқармаси ва туман, шаҳар адлия бўлимлари ташкил этилган "Бир миллион дарахт" акцияси дарахтзорларни кўпайтиришга, борлиқни асрашга бағишланган. Хусусан, бошқарма хо-

димлари томонидан 50 тупдан зиёд арча кўчатлари экилди.

— Шаҳримиз, қолаверса, бошқарма ҳовлиси яқин йилларда яшил ҳудудга айланади. Бу савобли ишдан бизнинг жамоамиз ҳам четда қолмайди, албатта, — дейди бошқарма бошлиғи Жамшидхон Нуритдинов.

Кўчат экиш ишлари туман, шаҳар адлия бўлимларида ҳам давом этмоқда. Хусусан, Янгиер шаҳар адлия бўлими ходимлари ҳам ушбу хайрли акцияга бош қўйиш ниятида бўлим жойлашган бино атрофи ҳамда кат-

та йўл ёқасига 50 туп чинор, терак ва бошқа манзарали дарахт кўчатларини экишди.

Гулистон туман адлия бўлими ходимлари томонидан адлия бўлими ҳовлиси ва йўл ёқасига 20 туп арча экилди.

Сирдарёда "Бир миллион дарахт" акцияси давом этмоқда.

Зебохон ҲАЙДАРОВА,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ислохотлар бутун дунё диққат-эътиборида экан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР:

сайловлар демократик ўтишида хизмати қандай?



SAYLOV – 2019
YANGI O'ZBEKISTON
«YANGI SAYLOVLAR»

Хусусан, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг демократик жараёнлардаги иштирокини ҳуқуқий таъминлаш кун тартибидagi асосий масалалардан ҳисобланади.

Яқинда қабул қилинган "Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор шу йўлда қўйилган салмоқли қадамлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, демократик сайловларни фуқаролик жамияти институтларининг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари алоҳида ўрин тутади. Улар сайловларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг сайловларда иштироки бўйича етарли имкониятлар яратилгани маълум бўлди. Ушбу имкониятларни билиш ва улардан кенг фойдаланиш нафақат сайловларнинг демократик руҳда ўтишига, балки мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳам туртки бўлади.

Партиялар – сайловларнинг локомотиви. Айнан улар орқали номзодлар кўрсатилади, сиёсий рақобат муҳити юзага келтирилади ва турли табақаларнинг сиёсий қарашлари ифодаланади. Партиялар ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали сиёсий жараёнларда иштирок этадилар.

Конституциянинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг манфаатларини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Сайлов кодексига ННТ ва жамоат бирлашмаларининг сайловлардаги иштироки аниқ белгилаб берилган. Хусусан:

1. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларига жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам таклиф этилади.
2. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан кўрсатилади.
3. ННТлар сайловолди ташвиқот ишларида, овоз бериш, сайлов натижаларини ҳисоблашда бевосита иштирок этишлари мумкин.
4. Кодексга кўра, Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи Эксперт гуруҳини тузиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига давлат органлари қатори фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам жалб этилади.

5. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этади. Партияларга сайлов жараёнларида тенг шароитлар яратилган.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнлари устидан фуқаролик жамияти институтларининг кузатув олиб бориши, назорати ва сайловларда фаол иштирок этишини кўрсатади.

Зафар МУСТАФАҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Тилини ҳимоя қилган ЎЗ ВАТАНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

МАҚОЛАМИЗ давомида шунини айтмоқчи-манки, айрим таниқли санъаткорларимизнинг турли теледастурлар ва ижтимоий тармоқларда чиқишларини кўриб, уятдан юзимиз қизаради. Хусусан, санъаткорлар орасида "Халқ артисти", деган юксак шарафни кўтариб юрган баъзи бир кимсаларнинг ўзбек тилини мутлақо билмаслиги ёки она тилимиз мезон меъёрларига риоя қилмаслик ҳолатларини нима, деб аташ, қандай баҳолаш мумкин? Уларнинг гап-сўзлари наинки адабий тил меъёрлари, балки оддий ўзбекона сўзлашув маданиятидан жуда-жуда йироқ, аралаш-қуралаш тиллардан иборат. Айрим кимсаларнинг битта соф тилда гапиролмайдиган масхараомуз мулоқотларини ўзларича маданият белгиси, деб билишлари ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳол.

Бизни эшитиб, кўриб турган неча минг сонли юртдошларимиз ва хорижликларга она тилимизга нисбатан фахру ифтихоримизни, ўзлгимизни ҳурматимизни қандай намоён этмоқдамиз? Албатта, чет тилини билиш маърифат ва билимдонлик белгиси эканлигини инкор қилмаган ҳолда, ўз она тилининг софлиги, қадр-қимматига бепасандликини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Уларга қарата улуг аллома Абдулла Авлонийнинг "...Бизга нима бўлди? Боболаримиз етушган ва яратган муқаддас тил ва адабиёт бизга камлик қилмас. Ўз уйимизни қидир-сак ва ахтарсак, йўқолганларни ҳам топармиз. "Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди", деб Европа қалпоғини кийиб, кулгу бўлмоқ зўр айб ва уятдир", деган сўзларидан бошқа ибрат топиш қийин.

ОНА ТИЛИМ — ЖОН ҚАДАР МУҚАДДАС, ШИРИН

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ёш авлодга она ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда она тилимизнинг бетақорор ўрни ва аҳамиятига урғу берилганлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, XVI асрда яшаб ўтган француз шоири Дю Белле айтганидек: "Она тилини ҳимоя қилиш ватанни ҳимоя қилиш билан баробар" дир. Бу ҳикматли сўзлар шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас ва ҳеч қачон ўз мавқеи, ўз аҳамиятини йўқотмайди ҳам. Халқимиз азалдан маърифатпарвар, илму фанга чанқоқлиги боис чет тилларини тез ўзлаштира оладиган ва ёт тилга ҳаммаша ҳурмати баланд, бағрикенг халқ. Шу билан бирга, она юрт ва миллат шаънини ҳимоя қилишга қодир, кези келганда она юрт ва миллат шаъни учун жон беради. Шу ўринда, яқиндагина Россия ўлкасида бўлиб ўтган бир воқеани келтириб ўтишни хоиз топдик.

Жорий йилнинг ўтган ойида Ижевск шаҳрида удмурт олими Альберт Разин ўзига ўт қўйиб жонига қасд қилди. Маълумотларга кўра, ўз миллати ва она тили йўқолиб бораётганлигига чидай олмаган удмурт олими мазкур фожиага қўл урган. Улимидан сал олдин у удмурт

тили билан бирга миллий маданияти, урф-одатлари йўқолиб бораётганлиги, удмурт миллатига мансуб кишилар ўз исм-шарифини руслаштириб, она тилида мулоқот қилмаётганликлари ва бу кетишда

яқин вақт ичида удмурт тили ўлик тиллар сирасига киришидан ташвишда эканлигини билдирган эди.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда она тилимизнинг теран томirlари янада мустаҳкамлаиб, бир-бири билан тутшиб бормоқда. Халқаро минбарларда нуфузли симпозиумларда, давлатлараро мулоқотларда, башарият тақдирига дахлдор турли тадбирларда она тилимиз жаранглаб турибди. Жорий йилда Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгашига аъзо бўлиб қўшилгани ва Боку шаҳрида бўлиб ўтган ташкилотнинг навбатдаги саммитида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этгани ўзбек тилининг халқаро майдонда ҳам нуфузи ва аҳамиятини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон Президентининг қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари мужассам бўлган юз жиллик "Туркий адабиёт хазинаси" китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш борасида билдирган муҳим қарарларни Кенгаш аъзолари томонидан зўр мамнуният билан қабул қилинганлиги барча ватандошларимизга ўзгача гуруҳ ва қувонч бағишлади.

Маълумки, ҳар бир юртининг жой номи яна худуднинг тарихи, табиати, аҳолисининг маънавияти ва маърифатини англашти баробарида, ёшлар қалбига ватанпарварлик, элу юртга садоқат руҳини шакллантиришда ҳам ўзига хос тарбия воситаларидан бири саналади. Масалан, азим Тошкентнинг қоқ марказидан Бўрижар деган, мўъжазгина анҳор оқиб ўтишини барчамиз яхши биламиз. Бу номни эшитганда табиийки қачонлардир бу жойларда бўриллар макон топганлиги хаёлимиздан ўтади. Яна бир Шаҳидлар хотираси аталмиш жой номи эса неча минглаб зиёли, эрқарвар инсонларнинг беғуноҳ қонини тўккан мустабид тузумини ҳаммаша ёдга солиб, мустақиллик қадрини янада чуқурроқ ҳис этишга ундайди.

Кейинги йилларда бинолар, дўконлар ва турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалар пештоқларида бегона тиллардаги турли ёзувлар, рекламалар қўзқориндай кўпайиб бормоқда. "Автомойка", "Браво", "Горбольница", "Идеал", "Домашняя выпечка", "Салон красоты" кабилар.

Юртимиз аҳолиси учун ҳеч бир қийматга эга бўлмаган ва тушунарсиз бу каби ёзувлар ўзбек тилида ёзилса маъсул топ мавқеи, харидорлиги ошса ошадими, асло тушмаслиги аниқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу давлат тили талабларига, миллий маданиятга ва қадриятларимизга бепасандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганлигидан далолат беради. Ижтимоий объекتلарга ном бериш — бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Бунинг ҳеч қачон ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Эндилқда, Атамалар комиссияси томонидан бу каби ёқимсиз иллатларга мутлақ чек қўйилиши асосида давлат тилимизнинг мавқеи темирдай мустаҳкамланиши, шубҳасиз.

Бугун техник тараққиёт шиддат билан ривожланаётган даврда яшаймиз. Келажақда она тилимиз замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, унинг интернет жаҳон ахборот тармоғи, замонавий коммуникацияда қўллаш доираси кенгайиб бориши давлат тилига эътибор ва эъзозни талаб этади. Ўзбекистон раҳбарининг юқоридаги Фармонида бу масаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш белгиланди.

Мухтасар қилиб айтганда, 30 йил давомида интиқлик билан қутилган она тилимизнинг обрў-эътиборини тубдан ошириш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этиш зарурияти ва фурсати пишиб етилди. Эндилқда бу эзгу амалларни шу азиз юртда яшаётган ҳар бир инсон ўзидан, оиласидан бошлаб, миллатига, она юртига муҳаббат ва садоқат туйғуларини намоён этиши ҳам фарз, ҳам қарзидир.



ОДАТДА ёши бир жойга борган инсон кўпроқ хайрли ишлар қилишга, ён-атрофидагиларга ўрнатқ бўлишга, айниқса, фарзандларининг бошини эгадиган, яқинларининг юзини шувут этадиган қилмишлардан йироқ бўлади.

ОГУФУРУШЛИК ОФИР ИСНОД ёхуд кекса одамнинг қилмиши



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Райим Облоқулов (исм-шарифи ўзгартирилган) ёши улуглар сафида бўлишига қарамай қинғир ишга қўл уриб, фарзандларининг, қолаверса, яқинларининг олдида қадди дол, боши ҳам бўлди. У ёши улуг бўлишига қарамай гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб, қўпчилигининг ҳаётини заҳарлашга уринди.

Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томони-

дан ўтказилган тезкор тадбирда Р.Облоқуловнинг бу жирканч ишига нуқта қўйилди. Тадбир давомида Р.Облоқуловнинг уйдан 16.58 грамм "марихуана" гиёҳвандлик моддаси топилди. Ўтказилган экспертиза хулосасига кўра, Р.Облоқулов ушбу гиёҳванд модданинг кўп қисмини сотишга улгурган.

Огуфуруш ушбу қилмиши учун Жиноят кодексининг 270- ва 276-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиб қонун олдида жавоб беришга мажбур

бўлди. Тўғри, одил жамиятимизда унинг кексалиги инobatта олинар, аммо ўз виждони, фарзандлари олдидаги сўроққа қандай жавоб бераркин?

Шу ўринда буюқларнинг бир гапи ёдга келади: "Яхшилик қилиш қўлингдан келмадими, ёмонлик ҳам қилма".

Ҳа, бугун кун сайин янгилашиб бораётган янги Ўзбекистонда тинч-тотув яшаётганлигимизнинг ўзи бебаҳо неъмат эмасми? Бу ерда бўлаётган бунёдкорликларга, ислохотларга фақат ва фақат камарбаста бўлиш, қўлни-қўлга бериб ўз ҳиссамизни қўшиб яшаш ярашади. Шундагина биз фақат яхшилик қилиб яшаётганлигимизни дилдан ҳис қиламиз.

Қинғир ишларга қўл уриб Ватан олдидаги бурчимизни унутуш, миллат шаънига доғ тушириш, ўзгалар ҳаётига хавф солиш Яратганининг олдида ҳам кечириб бўлмас гуноҳдир.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири



СУВДАН "ҚУРУК" ЧИҚМОҚЧИ БЎЛГАНДИ...

ри ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парвариш қилади. Бухоро вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимнинг 2019 йил 2 майдаги 160-сонли хулосасига асосан у 109,34 граммга тенг кўп миқдордаги кўкнори гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланган. Раҳим бундан оила аъзоларининг хабари йўқлигини айтиб, сувдан "қурук" чиқиб кетишга ҳаракат қилади. Суд жараёнида Раҳим қанд касалига чалинганлиги боис кўкнори дамламасидан доимий равишда истеъмол қилганлигини тан олади.

2019 йилнинг 22 май куни ИИБ ходимлари томонидан уларнинг томорқаси ва уйи кўздан кечирилганда жами 296 туп, яъни, 109,34 грамм кўкнори ўсимлиги кўчати ва қуриган бошоқлари борлиги аниқланган. Судда гувоҳ сифатида сўралган Марҳамат Хайруллаева турмуш ўртоғининг бу ишларидан умуман хабари йўқлигини, аммо тезкор тадбир жараёнида турмуш ўртоғи ўзининг истеъмоли учун экиб етиштирилганлиги биланганлигини, у қаердан ва қачон олиб келиб экканлигини билмаслигини билдирди.

Гиёҳвандлик ўсимликларидан намуналар олиниб, барчаси ўша жойнинг ўзига йўқ қилинди.

Р.Собиров эса Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жазога тортилди.

Осон йўллар билан пул топиш илинжида ҳаттоки оиласи ҳам кўз олдига келмади. Энг ачинарлиси, бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғи ҳам бу хатти-ҳаракатларидан беҳабарлиги, совуқонлиги инсонни таажублантиради.

Жасур РАСУЛОВ,
Когон туман прокурори катта ёрдамчиси

МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

ФУҚАРОЛАРНИНГ ариза, таклиф ва шикоятлари — мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари юксак қадрият даражасига кўтарилиб, ҳар бир саъй-ҳаракат фуқароларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлашга қаратилган. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказига Сирдарё вилоятида яшовчи Сабохат Мирвалиева одам танаси идентификацияси бўйича ариза билан мурожаат қилди. Мурожаатда кўрсатилишича, унинг отаси марҳум Аҳмаджон Мирвалиев Польша давлатида содир бўлган ёнгин натижасида таниб бўлмас даражада ёниб кетган. Марҳумни Ўзбекистон Республикасига олиб келиб дафн қилиш учун Польша давлатининг мутасадди идоралари ушбу инсон жасади айнан А.Мирвалиев эканлигини тасдиқлашни талаб қилган. Тана идентификацияси учун марҳумнинг турмуш ўртоғи Нурия Мирвалиева ва қизи С.Мирвалиеваларга нисбатан ДНК тадқиқотлари ўтказилди. Марказимизнинг одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораториясининг тадқиқот натижалари Польша давлатида ўтказилган тадқиқот натижалари билан тасдиқланди. Шундан сўнг марҳум Ўзбекистонга олиб келиниб, дафн қилинди.

Суд-экспертиза марказига фуқаро Қурбонали Эркинбаев мурожаат қилиб, туғуруқхонада фарзанди алмашиб қолганлигига шубҳа қилаётганлигини баён қилган. Ўтказилган ДНК тадқиқотлари натижасида унинг биологик оталиги тасдиқланди.

Қонун ҳужжатларига кўра, барча фуқаролар, шу жумладан, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам давлат органлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Қонунга мувофиқ, мурожаат келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, кўшимча ўрганиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқишли лозим. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, муддатлар муассаса раҳбари томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ҳозирда Республика суд экспертизаси марказида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва уларда кўтарилган масалаларни қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мурожаатларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек, ижросини мониторинг қилиш самардорлигини янада ошириш мақсадида марказда "AV IJRO" электрон ҳужжат айланиш тизими жорий қилинган.

Ҳар бир мурожаат Марказга келиб тушган вақтдан бошлаб дарҳол, электрон ҳужжат айланиш тизими орқали раҳбариятга чиқарилади ва масъул ижроичига етказиш, ижросини назорат қилиш тартиби жорий қилинган.

Шунингдек, фуқароларга қулайликлар яратиш, уларнинг озғани мурожаатларини тезкор кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида раҳбарият, бўлим ва лаборатория мудирилари томонидан қабуллар ҳар куни амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан турли масалаларда 447 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 421 таси ариза ва 26 таси шикоятларни ташкил қилади.

Аризаларнинг 404 таси кўриб чиқилган. 11 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган. Мурожаат муаллифларига 277 та ҳолат бўйича тушунтиришлар берилган.

Улугмурод ЭРНАЗАРОВ,
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.insonvaqonun.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
1528 2020-7897
4792030784008

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Журабоевич
Рабиев Шерзод Мирхаллопович
Токиев Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулсум Шодиева
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 9811
Бюроғима — V-3877
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 02:20
Ушбу сонда Ўза суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5

5 ноябрь 2019 йил / № 44 (1196) www.insonvaqonun.uz



Пахтачида тошқоғоз ишлаб чиқариш РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ саъй-ҳаракати билан Пахтачи туманида кейинги 3 йил мобайнида ўнлаб саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ва чет элликлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар ташкил этилиб, бугун уларнинг аксарияти муваффақият билан ишламоқда. Инвестиция ва маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижга экспорт қилина бошланди. Қувонарлиси, туманда бошланган ислохотлар натижасида минглаб кишилар, хусусан, аёллар ва ёшлар иш билан тазминланди. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг дунёқараши, онги-шуури ўзгарди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик билан худуд кишилари бугун замон талабига хос ва мос иш юритмоқда. Кечагина пахта даласи билан кунини ўтказган деҳқон, бугун маҳаллий дастур асосида ишлаб чиқариш шохобчалари очиб, хорижликлар билан қўшма корхона ташкил этиб, ҳамкорликда ишламоқда.

— Очиғи бошида осон кечмади, сабаби одамларимиз йиллар давомида деҳқончилик билан кун кўриб, янги ислохотлар борасида иш бошлашга юраклари дов бермади, — дейди Пахтачи туман ҳокими Музаффар Ҳамдамов. — Мамлакатимизда бошланган ислохотлар моҳиятини, шунингдек, кечаги кун билан яшаб бўлмаганини туманимиз аҳолиси тушуниб етди. Бунинг учун туман ҳокимлиги жойларда тушунтириш ишлари олиб бориб, одамларни янгиликка ишлашга, янгиликка ҳаётни англаб етиш борасида бир қатор амалий ишларни олиб

борди. Суяғи меҳнатда қотган, зуваласи пишиқ дала кишиси тезлик билан янгиликка тизимга ишлашга кўникма ҳосил қилди. Бугун мен иқтисодиётда эришган муваффақиятлар ҳақида гапириб ўтирмайман, чунки у ўзимизнинг меҳнатимиз самараси. Масалан, ўтган 2018 йилда “Мах Топ” МЧЖ томонидан гипс ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг умумий қиймати 1,7 миллиард сўм, “Мадина савдо белгиси” МЧЖ, “Granit mining” МЧЖ эса ўтган йили бор-йўғи 3 та лойиҳани амалга оширган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида 10 дан орტიқ маҳаллий ва хорижий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, бугун муваффақият билан ишламоқда. Шу ўринда яна бир гап. Бундан атиги 3 йил олдин пахтачилик деҳқонлар дунёнинг мана-ман деган мамлакатлари билан қўшма корхона очиб, биргаликда ишлашни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Бугун туманда 125 АҚШ доллари эвазига Англия билан ҳамкорликда “Granit mining” темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўшма корхонаси, Хитой давлати билан ҳамкорликда қиймати 4 миллион АҚШ доллари бўлган “Полевой шпат домит” маҳсулотлари хомашёси тайёрлаш МЧЖ, шунингдек, Марказий Осиёда янгилик ҳисобланадиган тошдан қоғоз ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Эрон ҳамкорликда ташкил этилган “Ziyovuddin Aria Poli” қўшма корхонаси, чорвачилик комплекси лойиҳаси асосида қиймати 50 миллион АҚШ доллари бўлган “Ziyovuddin REF” қўшма корхонаси ҳам янги йилдан Европа ва Осиё мам-

лакатларига ўз маҳсулотини экспорт қилади.

Бундан ташқари, лойиҳа қиймати 5,3 миллион АҚШ доллари бўлган “Довбусия Мега Савдо” МЧЖ ташкил этилиб, бугун бу ерда 3 миллион АҚШ доллариллик иш бажаририлган. Келажақда бу корхона ҳам ишга тушади. Туманда бугун “Азия Кварц” қумни қайта ишлаш ва қадқоқлаш орқали бир кунда 80 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Фаргона вилоятининг “Қувасой ойна” корхонасига сотилмоқда.

Туманда “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Янги обод қишлоғида 1 та янги боғча, сув иншооти тармоғи, қарийб 10 километр йўл текисланди. 46 та хонадон деворлари сувоқ қилиниб, 95 та хонадон олди ободонлаштирилди, 48 та хонадонга эса “Акфа” эшик-ромлари ўрнатилди. Қишлоқ қабрисони деворлар билан ўралди. Тараққиёт, Буркут, Шамшиназар қишлоқларида бозор инфра-тузилмаси иншоотлари қуриш, супермаркет, сартарош-

хона, ҳаммом, тикувчилик цехлари қурилмоқда. Энг асосийси, уйда ўтирган аёллар ва ёшлар иш билан тазминланмоқда. Бугун туманда мавжуд 38 та давлат ва 64 та давлат шерикчилиги асосида фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасаларида қарийб 50 фоиздан зиёд бола қамраб олинган. Йил охиригача бу кўрсаткич 62 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг ўзида туманда 2 та янги, замон талабига мос, барча қулайликларга эга бўлган, болалар боғчаси қуриб фойдаланишга топширилди.

— Пахтачининг ўз тарихи ва маданияти, қадрияти бор, — дейди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, меҳнат фахрийси Исмат Санаев. — Кейинги 10 йилларда Довбуси қалъасида археолог олимлар япониялик мутахассислар билан қазима ишларини олиб бориб, бу қўшма заминнинг тарихини илмий жиҳатдан асосламоқда. Бугун эса мозий билан ҳамоҳанг очиқ осмон остидаги туризмни яратиш йўллари изланаёпти. Биргина Қарнаб

отадаги мактабнинг тарихан 100 йилга тенг эканлиги изланишлари олиб борилмоқда. Халқимиз ўзининг бой маданий мероси ва меҳнат қахрамонлари Шамши Назаров, Зулайхо Норқуллова, Сафар Эргашев қабили билан фахрланади.

— Пахтачи туманида ислохотларни бу даражада тез суръатларда амалга оширишга ишонмаган эдим, — дейди меҳнат фахрийси Тоҳир Эргашев. — Бугун туман танимас даражада ўзгариб кетган. Янги замонавий кўп қаватли уйлар, давлат ташкилотлари, марказий шахарларни эслатади. Яқинда набирам туманимизда эронликлар билан тошқоғоз ишлаб чиқариш режалаштирилаётган экан, деб қолди. Бу туманимиз ҳаётдаги мактанга арзийдиган янгилик, албатта.

Бугун Пахтачида ҳаёт қайнайди. Бу юрт кишилари эртанги порлоқ ҳаётни ўз қўллари билан яратиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйқатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 02.03.2019 йилда 002391-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод туман, Нукус 1-тор қўчаси, 4-А-ўй маъинида давлат рўйқатидан ўтган “GRANDTEX TASHKENT” масъуллати чекланган жамияти (СТПР: 300 317 774) таъсисчиликларини 2019 йил 30 октябрдаги йилгилик ҳарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 707-44-95.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 28.08.2018 йилда 632241 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота қўчаси, 13-ўй маъинида давлат рўйқатидан ўтган “ROYAL MEDIA” масъуллати чекланган жамияти (СТПР: 305 721 626) таъсисчиликларини 2019 йил 31 октябрдаги 1-сончи йилгилик ҳарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 605-77-77.

Тошкент шаҳар, Миробод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 15.08.2018 йилда 008939-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темури қўчаси, 14-ўй маъинида ҳайда давлат рўйқатидан ўтган “O‘zbekiston Respublikasi Jemoiny tarbiya va sport vazirligi huzuridagi jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish jamg‘armasi shahar hududiy bo‘linmasi” (СТПР: 204 395 519) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги “Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, ривожлантириш қилиш, капитал таъмирлаш ва яхшилаш ишларини амалга ошириш тартибини янда таъминлаш шартини чора таъбирларни тўғриқидан” ПН-577 Фармонига асосан тугатилди.
Тел.: (99) 808-48-71.

Тошкент шаҳар, Миробод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 04.01.2018 йилда 561502 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сайхон қўчаси, 166-ўй, 154-хонадон маъинида давлат рўйқатидан ўтган “KAMRON AND FAMILY” масъуллати чекланган жамияти (СТПР: 305 190 710) таъсисчиликларини 2019 йил 29 октябрдаги 1-сон ҳарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 971-81-18.

Янгибод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 04.09.2019 йилда 757098-сонли реестр рақами билан давлат рўйқати олинган “MARI ANNA SHOP” хусусий корхонаси (“MARI ANNA SHOP” ЧП) (СТПР: 305 679 376). Корхона мулкдорининг 14.10.2019 йилдаги 2-сончи ҳарорига асосан тугатилди. Тугатиш муддати 3 ой.

Жамият маъини: Тошкент шаҳри, Янгибод тумани, М.Рўмий қўчаси, 20А-ўй.
Давлолар 1 ой давомида жамият маъини бўйича қабул қилинади.
Тел.: (90) 357-00-09.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Нукус шаҳридаги “NIZAM USTINLIGI” адвокатлар ҳайъати адвокати Утеминов Турдумарат Жумамуратовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 306-ум-сонли буйруғига асосан 1 йил муддатга тўхтатилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 7 октябрдаги 392-ум-сон буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган AN №000174-сонли лицензия эгаси, “Қалқон” адвокатлик фирмаси адвокати Қуддусов Поизиловнинг адвокатлик лицензиясининг ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 11 октябрдаги 400-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 17 декабрда берилган AN №000027-сонли лицензия эгаси “Андикон” адвокатлар ҳайъати адвокати Дадабаева Дурдона Бахадиржоновичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми суд ҳукми қилиниши қадар киргунига қадар унинг реабилитация қилиниши асосларига биноан унинг жавобгарлигиндан осод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинунига қадар тўхтатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 18 октябрдаги 108-А-ум-сонли буйруғига асосан Оқдўрон туманида жойлашган “O‘SO‘RO‘G‘ON ADVOKAT” адвокатлик бюроси раҳбари Ашуров Миржалол Муъаллимов бошқарма томонидан 2017 йил 17 февралда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйқатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги TS №000197 рақамли гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди ҳамда адвокатлик тузилмаси давлат реестридан чиқарилди.

Усмонов Буракжон Яқубовичнинг аризасига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармасидан 2018 йил

29 декабрда берилган TS 000288 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги 105-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 27.02.2019 йилда 693302 реестр тартиб рақами билан рўйқатдан ўтган Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвозаси, Турк шота бери қўчаси, 11-А-ўй маъинида жойлашган “ROSSLES” хусусий корхонаси таъсисчиликларини 2019 йил 22 октябрдаги ҳарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида ҳарорига асосан маъини бўйича қабул қилинади.
ИФН: 306 190 050.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2018 йилда 571712 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро қўчаси, 24-ўй маъинида давлат рўйқатидан ўтган “SHIMON PLAZA” масъуллати чекланган жамияти (СТПР: 305 265 656) таъсисчиликларини 2019 йил 22 октябрдаги 2-сончи йилгилик ҳарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (71) 256-47-95, (99) 363-66-10.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйқатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 02.11.2018 йилда 008777-03 реестр рақами билан давлат рўйқатидан ўтган “HUSAN SHOХ FARM” масъуллати чекланган жамиятининг (СТПР: 304 402 818) думалоқ муҳри ва штампини йўқотганини сабабига асосан қилинади.
Тел.: (99) 999-19-91.

Тошкент шаҳар, Миробод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 12.09.2017 йилда 542744 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод қўчаси, 418-ўй маъинида давлат рўйқатидан ўтган “MAX IDEAL” масъуллати чекланган жамияти (СТПР: 305 056 384) таъсисчиликларини 2019 йил 24 октябрдаги 1-сон йилгилик ҳарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 830-32-32.

Тошкент шаҳар, Миробод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 16.02.2017 йилда 4724 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Таллимаржон қўчаси, 14-ўй маъинида давлат рўйқатидан ўтган “SARDOR GREAT BUSINESS” масъуллати

чекланган жамияти (СТПР: 304 656 614) таъсисчиликларини 2019 йил 21 октябрдаги 2-сон ҳарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 974-47-90.

Джалвол Абдумалиқовча Қасимовичнинг аризасига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган TS 000091 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги 104-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Давлолар эълон қилинишига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 19 декабрда берилган TS 000061 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги 103-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги 106-А-ум-сонли буйруғига асосан Бўстонлик туманида жойлашган “ISHONCH” адвокатлик бюроси раҳбари Давлатов Абайдулла бошқарма томонидан 2008 йил 25 июнда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйқатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги TS №000013 рақамли гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди ҳамда адвокатлик тузилмаси давлат реестридан чиқарилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги 107-А-ум-сонли буйруғига асосан Чирчиқ шаҳрида жойлашган “SERIUS ELEGANT” адвокатлик бюроси раҳбари Қолларов Валди Уталиевич бошқарма томонидан 2014 йил 20 майда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйқатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги TS №000147 рақамли гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди ҳамда адвокатлик тузилмаси давлат реестридан чиқарилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 10 октябрдаги буйруғига асосан давлат Савидова Лола Самбиқовнага Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 9 январда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TN №000501-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №116, 14.01.2019 й.) унинг аризасига мувофиқ тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан

дан Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 8 октябрдаги 359-ум-сонли буйруғига асосан “BOG‘ISHAMOL NAHOIAT” адвокатлар ҳайъати адвокати Қодиров Боқидир Собирович (адвокатлик гувоҳномаси №237, 05.01.2019 й.) ва “SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI” адвокатлар ҳайъати адвокати Шарипова Мутабар Сатторовна (адвокатлик гувоҳномаси №16, 24.12.2018 й.), Шодиев Рустам Амиркулович (адвокатлик гувоҳномаси №66, 24.12.2018 й.) ҳамда Пайшанов Абдувоҳид Насировичнинг (адвокатлик гувоҳномаси №138, 28.12.2018 й.) адвокатлик мақоми 3 ойда тўхтатилганлиги ҳамда адвокат Бурунов Астам Ортинвич Самарқанд шаҳар “BOG‘ISHAMOL NAHOIAT” адвокатлар ҳайъати аъзолига кириши муносабати билан Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 8 октябрдаги 363-сонли буйруғига асосан адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №236, 05.01.2019 й.) тикланганлиги маълум қилинади.

“Илос” адвокатлик фирмаси адвокати Аҳадова Нарзила Бахтиёрна хонадонларига ва туниш, уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш бўйича таътилга чиққанини сабабига, унинг адвокатлик мақоми таътил даврига тўхтатилди.

Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси юрисконсулти Акмал Турабовга акиси Қосим ТУРАБОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси Самарқанд туман Давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи Вағит Салохитдиновга отаси Соҳиб САЛОХИТДИНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.